



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ВАЛЮТА АЙРИБОШЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a9

Умарова Малика Бахтияровна -
PhD, катта илмий ходим, ТДИУ ҳузуридаги
“Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари
ва муаммолари” Илмий-тадқиқот маркази

Ходжаев Собир Джумаевич -
социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси
хузуридаги “Оила ва хотин-қизлар” илмий тадқиқот
институти бўлим бошлиғи

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон тижорат банкларида валюта айрибошлиш жараёнларини жорий холатини баҳолашда банк ходимлари ва мижозлари ўртасида социологик сўровнома ўтказиш орқали таҳлил этилиб, валюта айрибошлиш жараёнига замонавий технологияларни жорий этиши ёрдамида банкларда хизмат кўрсатиш сифатини оширишга доир таҳлиллар олиб борилган.

Ключевые слова: банк, ходим, мижоз, валюта айрибошлиш шахобчаси, касса, конвертация, Touch ID, валюта курси.

ВОЗМОЖНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СОВРЕМЕННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ОБМЕНЕ ВАЛЮТЫ В КОММЕРЧЕСКИХ БАНКАХ

Умарова Малика Бахтияровна -
PhD, Старший научный сотрудник Научно-исследовательского
центра «Научные основы и проблемы
развития экономики Узбекистана» при ТГЭУ
Ходжаев Собир Джумаевич
доктор философии по социологическим наукам (PhD)
заведующий отдела научно-исследовательского института
“Семьи и женщин” при Государственном комитете
Семьи и женщин Республики Узбекистан

Аннотация. В данной статье проводится анализ современного состояния процессов обмена валюты в коммерческих банках Узбекистана путем проведения социологического опроса среди банковских служащих и клиентов, а также анализируется улучшение качества обслуживания в банках с помощью внедрения современных технологий в процесс обмена валюты.

Ключевые слова: банк, сотрудник, клиент, пункт обмена валюты, касса, конвертация, Touch ID, курс обмена.

POSSIBILITIES OF USING MODERN TECHNOLOGIES IN CURRENCY EXCHANGE IN COMMERCIAL BANKS

Umarova Malika Bakhtiyorovna -
PhD, Senior Researcher Research center «Scientific bases and issues
of economic development of Uzbekistan»
under Tashkent State University of Economics
Khodjaev Sobir Djumaevich -
Doctor of Philosophy in Sociological Sciences (PhD)
Head of Department of Research Institute
«Family and Women» under the State Committee
Families and women of the Republic of Uzbekistan

Abstract. This article analyzes the current state of currency exchange processes in commercial banks of Uzbekistan by conducting a sociological survey among bank employees and customers, and analyzes the improvement of service quality in banks with the help of introducing modern technologies to the currency exchange process.

Keywords: bank, employee, customer, currency exchange office, cash register, conversion, Touch ID, exchange rate.

Кириш. Мамлакатимизда ҳам сўнгги ийлларда валютани айрибошлаш жараёнини такомиллаштириш ва либераллаштиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. 2017 йилда мамлакатимизда иқтисодий соҳада кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилди, аввало, Ўзбекистоннинг ўз мажбуриятларини бажариш ва чет эл ҳамкорларининг даромадларини репатриация қилиш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш учун шарт-шароитларни таъминловчи миллий валюта эркин конвертациясининг жорий этилганлиги бу борада муҳим қадам бўлди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Валюта айрибошлаш ва валюта курсларига доир хорижий, маҳалий олимлар томонидан бир қатор тадқиқотлар олиб борилиб, валюта курсига доир ўз таърифларини келтириб ўтганлар.

Австралиялик иқтисодчи олим T.Swan ўзининг «Свон модели» деб эътироф этилган тадқиқот ишида валюта курси сиёсати ва макроиктисодий мувозанат масалаларини кичик очиқ иқтисодиёт нуқтаи назаридан фундаментал тадқиқотларини амалга оширган[1].

Иқтисодчи олимлар Роберт Манделл ўзининг “Мақбул валюта ҳудуди” деб ном олган назариясида муайян ҳудуддаги мамлакатлар учун ягона валюта, ягона валюта режими ва ягона пул-кредит тизими бўлиши кераклиги тўғрисидаги фикрни билдирган [2].

Россиялик иқтисодчи олим А.Наговицин валюта сиёсати ва валюта муносабатларининг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли тадқиқотлар олиб бориб, унинг самарадорлигини валюта муносабатларидаги институционал асослар ва уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш зарурати билан боғлайди[3].

Маҳалий иқтисодчи олимларимиздан Т.Бобакулов, Н.Жумаев ва Т.Расулов томонидан олиб борилган тадқиқотларда ҳам асосий эътибор валюта курси барқарорлигини таъминлаш ва валюта муносабатларининг назарий-услубий асосларини такомиллаштиришга қаратилган. Хусусан, Т.Бобакулов «Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш: муаммолар ва ечимлар» деб номланган моно-

графия ишида валюта курси барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўлларига алоҳида эътибор қарратган[4].

Валюта курсининг ўзгариши мамлакат иқтисодиёти учун сезиларли оқибатларга олиб келганлиги сабабли, табиийки, бу мамлакат ичида ҳам, давлатлараро муносабатларда ҳам давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим обьекти ҳисобланади.

Энг умумий ҳуқуқий маънода конверсион (валюта айрибошлаш) операциялар валюта бозорининг teng ҳуқуқли иштирокчилари ўртасидаги операциялар деб аталади, бу даврда бир мамлакат пул бирликларида ифодаланган олдиндан келишилган миқдорлар бошқа мамлакат валютасига алмаштирилади; битимлар олдиндан келишилган курс бўйича амалга оширилади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида илмий абстракция усули, объективлик тамойили, кузатиш, таққослаш, статистик гурухлаш, қиёсий таҳлил, сўровнома усулларидан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Дунёда эркин конвертация қилинадиган валюталар унчалик кўп эмас, улар амалдаги валюталарнинг 15 % ташкил этади. Шу билан бирга валютани эркин конвертациялаш мамлакат ёки давлатнинг иқтисодий барқарорлигининг яқзол белгисидир. Валютани конвертация қилининг нақд ва нақдсиз кўринишда амалга ошириш мумкин. Нақд кўринишда конвертацияни амалга оширишда банкоматда ёки банкга бориб амалга ошириш мумкин. Нақд пулсиз конвертацияни амалга ошириш учун, яъни маблағларни бир валюта ҳисобварағидан бошқасига ўтказиш учун мобил иловалардан кенг фойдаланилди. Валютани сотиш ва сотиб олиш операцияси тижорат банкларида энг кўп амалга ошириладиган операциялардан бири ҳисобланади. МДХ мамлакатларида влютани айрибошлашда банк кассалари, айрибошлаш шохобчалари, банк инфокиоскалардан кенг фойдаланиб келинмоқда.

Барча давлатлар ўз пулларини хорижий тўлов воситаларига чекловларсиз алмаштиришни таъминлашга интилади. Пул бирикларини тўсиқларсиз конвертациялашдан асосий мақсад ҳалқаро савдони ривожлантириш, экспорт-импорт операцияларини тезкор равишда амалга ошириш ва давлатлараро ҳисобкитобларни тезлаштириш саналади.

Тижорат банкларида конвертациялаш жараёни мобиль иловалар, интернет банкинг, айрибошлаш шаҳобчалари ва банкоматлар

ёрдамида амалга оширилмоқда. Бироқ мобиъ иловалар, банкоматларда маълум миқдордаги валютани айрибошлишга қўйилган чегара ўз-ўзидан мижозларни айрибошлиш кассаларида валютани сотиш ва сотиб олиш операцияларини амалга оширишга бўлган талабини оширади.

Тижорат банкларида валюта айрибошлиш жараёнини банкларда паспорт тақдим этиш орқали валюта айрибошлиш билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш ва уларни бартараф этиш бўйича тадқиқотлар олиб борилиб, ушбу тадқиқотлар доирасида банк ходимлари ва мижозлари ўртасида сўровнома ўtkазилди.

Бу социологик тадқиқотда қуйидаги вазифалар қўйилди:


- фуқароларнинг валюта айрибошлишдан кўзлаган мақсадларини аниқлаш;

- жамоатчиликнинг валюта айрибошлишдаги мавжуд талабларга муносабатини ўрганиш;

- мавжуд валюта айрибошлиш амалиёти билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш;

- бармоқ изини сканерлаш орқали шахсни аниқлаш амалиёти орқали валюта айрибошлиш йўлга қўйиш тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларни ўрганиш.


Респондентларнинг ижтимоий-демографик кўrsatкичлари. Тадқиқот натижаларига кўра, ижтимоий-демографик кўrsatкичлари бўйича (1-расм).



1-расм. Тадқиқотда иштирок этган банк мижозларининг жинс кўrsatкичлари (фоизда) [5]

Ёш бўйича эса асосий кўпчиликни 26-35 ёшли (31,3 фоиз), 36-45 ёшли (26,0 фоиз) ва 16-25 ёшли респондентлар (20,2 фоиз) ташкил этган ҳолда уларнинг жами улуши 77,5 фоиздан иборат бўлди. Шу билан бирга валюта айрибошлиш жараёнида иштирок этувчи

мижозлар орасида 46-60 ёшли банк мижозлари (18,0 фоиз) ҳам етарли кўrsatкичга эгалиги ҳам қайд этилди. Энг кам сонли кишилар эса 60 дан ошган, яъни пенсияга чиқсан мижозлар эканлиги (4,5 фоиз) тадқиқот натижасида маълум бўлди (2-расм).



2-расм. Банк мижозларининг ёш кўrsatкичлари (фоиз ҳисобида) [5]

Фаолиятига қўра валюта айирбошлаш жараёнида қатнашувчи фуқароларнинг асосий қисми тадбиркор (21,9%) ва хусусий сектор эгалари (24,0%) ва уларнинг бош тўпламдаги умумий улуши деярли 46 фоиз эканлиги натижаларда ўз ифодасини топди. Шунинг-


дек, валюта айирбошлаш жараёнида 22,7 фоиз давлат хизматчилари, 13,7 фоиз илмий ва педагогик фаолият билан шуғулланувчи мижозлар ҳам салмоқли ўринга эга эканлиги қайд этилди (3-расм).



3-расм. Банк мижозларининг фаолият соҳалари (фоиз ҳисобида) [5]

Олинган таҳлиллар тадқиқотга жалб этилган банк ходимларининг 377 нафари, яъни 50,7 фоизини банк мутахассислари, 271 нафари, яъни 29,7 фоизини валюта айирбошлаш шахобчаси ходимлари, 86 нафари, яъни

11,6 фоизини бўлим бошлиқлари ва қолган 48 нафари, яъни 8,0 фоизини банкнинг бошқа ходимлари ташкил этганлигини кўрсатди (4-расм).



4-расм. Тадқиқотга жалб этилган банк ходимлари таркиби (сон ва фоиз ҳисобида)[5]

Тадқиқотнинг асосий вазифаларидан бири банк мижозларини биринчи навбатда валюта айирбошлаш шахобчаларидан кўпроқ қандай мақсаддада фойдаланишини аниқлашдан иборат эди.

Таҳлил натижаларидан маълум бўлди-ки, айни пайтда ўзбекистонлик фуқароларни

кўпроқ хорижий валютани сотишдан қўра, харид қилишни кўпроқ маъқул кўришади. Бу ҳолат катта эҳтимол билан аҳолининг сўнгги кунларда дунёнинг географик-сиёсий саҳнасида бўлаётган ҳаракатлар ва шу боғлиқ билан ўзгаришлар ҳамда инфляция даражасининг юқорилиги сабабли ўз жамғармаларини

хорижий валютада сақлаш истаклари билан изоҳланса керак.

Таҳлилларга кўра, тадқиқотда иштирок этган фуқароларнинг ҳар учдан бири (32,1 фоизи) учун асосан валюта харид қилиш, 21,5

фоизига эса валюта сотиш, 23,5 фоизи учун эса валютани сотиш ва харид қилиш деярли бир хил аҳамиятга эга. Шу билан бирга, 22,9 фоиз респондентлар бу борада вазиятга қараб иш тутишларини билдиришди (5-расм).

Валюта айирбошлишнинг (сотиш ва сотиб олиш) қай биридан кўпроқ фойдаланасиз?



5-расм. Банк мижозларининг валюта айирбошлишнинг қай туридан кўпроқ фойдаланишлари тўғрисидаги фикрлари (фоиз ҳисобида) [5]


Маълум бўлишича, айни пайтда фуқароларнинг аксарияти, аниқроғи 91,6 фоизи валюта айирбошлишни қонуний шаклда амалга оширишади.

Шундан 66,0 фоиз респондентлар бу амалиётни банк кассалари, 12,3 фоиз кишилар эса банкоматлар орқали ҳамда яна шунча миқдордаги фуқаролар (12,3 фоиз) эса онлайн (банк иловалари орқали) шаклда амалга оширишларини билдиришди. Бу ҳолатни мамлакатда валютани эркин айирбошлиш (конвертация) ни йўлга қўйилганилиги ва бу тизимни

янада такомиллаштириш бўйича олиб бориляётган чора-тадбирларнинг натижаси ўла-roқ баҳолаш мумкин.

Фақатгина 9,4 фоиз респондентлар кези келганда валютани бозорда (норасмий шаклда) айирбошлишларини таъкидлаб ўтишди. Айтиш мумкинки, бу ҳолатда фуқароларнинг ўзлари билан паспортлари бўлмайди ёки жуда зарурият бўлганда, банклар ишламаганда ҳамда дам олиш кунлари бу амалиётга қўл уришади (6-расм).

Валютани кўпроқ қаерда айирбошлийсиз?



6-расм. Респондентларнинг валюталарини айирбошлиш жойлари тўғрисидаги фикрлари (фоиз ҳисобида) [5]

Натижалар таҳлилига мувофиқ, аҳолининг кўпчилиги ўз даромадларини хорижий валютада жамғаришади ва у орқали ўзаро шахслар пул олди-бердисини амалга оширишади.

Респондентлардан валюта айирбошлашдан асосий мақсади сўралганда, уларнинг 37,3 фоизи хорижий валюта улар учун жамғариш

манбаи (Пулни қаттиқ (твёрдый) валютада жамғариш мақсадида (23,1%) ва олди-берди (Олган қарзларимни валюта тўлаш зарурати сабабли (14,2%)) воситаси эканлигини баён этишиди. 11,7 фоиз респондентлар хориждаги харидларни амалга оширишда хорижий валютага эҳтиёж борлиги учун ҳам банкларга мурожаат қилишади (7-расм).

Валютани асосан қандай мақсадда айирбошлайсиз?



7-расм. Банк мижозларининг валюта айирбошлашдан мақсадлари тўғрисидаги фикрлари (фоиз ҳисобида) [5]

Респондентларнинг бир ойда ўртача қанча миқдордаги валюта айирбошлаши ма-саласи бўйича берилган саволга ҳар тўртинчи респондент (41,9%) 101 дан 500 долларгacha бўлган миқдордаги валютани алмаштиришларни билдиришди. 100 долларгacha бўлган валютани эса респондентларнинг 25,2 фоизи алмаштиришади. Бундан ташқари, респондентларнинг деярли ҳар бештадан бири,

аниқроғи 19,1 фоизи 501-1000 долларгacha бўлган валютани алмаштиришларини таъкидлашди. 1001 дан 5000 долларгacha бўлган миқдордаги пулларни 11,0 фоиз респондентлар, яна 2,8 фоиз фуқаролар эса 5000 доллардан кўпроқ бўлган маблағларини банк хизматларидан фойдаланган ҳолда алмаштиришлари маълум бўлди (8-расм).

Одатда бир ойда ўртача қанча валюта айирбошлайсиз?



8-расм. Банк мижозларининг бир ойда ўртача қанча валюта айирбошлашлари тўғрисидаги фикрлари (фоиз ҳисобида) [5]

Агар бу маблағларни ўртасаси берилган жавоблар бўйича шартли равишда ҳисобкитоб қилинадиган бўлса, бу миқдор 749 долларни ташкил этади. Яъни тадқиқотда иштирок этган респондентларнинг ҳар бирiga ўртача бир ойда 749 доллар миқдордаги пул тўғри келади.

Қайд ўтиш лозимки, дунёning деярли барча давлатлари каби мамлакат ички бозорида фақат миллий валютада олди-берди амалиётини белгилаб қўйилганлиги, ўз навбатида, кишиларни миллий валютага бўлган

эҳтиёжларини келтириб чиқаради. Шундан келиб чиқиладиган бўлса, сўровда иштирок этган фуқароларнинг 28,0 фоизи бу масалада миллий валютага эҳтиёжлари борлигини ҳамда 18,1 фоизи эса мамлакат худудида пул муомаласи миллий валюта бўлганлиги сабабли ўзлари эга бўлган хориж валюталарини миллий валютага айирбошлаш мақсадида банкларга мурожаат қилишади (9-расм). Демак, умумий ҳисобда миллий валютани харид қиласидиган респондентларнинг тадқиқотдаги улуши 46,1 фоизни ташкил этди.

Валютани асосан қандай мақсадда айирбошлайсиз?




9-расм. Банк мижозларининг валюта айирбошлашдан мақсадлари (фоиз ҳисобида) [5]

Тадқиқот натижаларига кўра, фуқароларнинг ярми валюта айирбошлашда паспорт

ва ID картасидан фойдаланиш билан боғлиқ муаммога дуч келмоқда (10-расм).

Валюта айирбошлашда паспорт ёки ID картаси билан боғлиқ муаммога дуч келганмисиз?



10-расм. Банк мижахларининг валюта айирбошлаш паспорт ёки ID картаси билан муаммога дуч келганликлари тўғрисидаги фикрлари [5]

Таҳлилларга кўра, банкларда валюта айирбошлаш билан боғлиқ муаммолар мижозларнинг ёнларида паспорт бўлмаслиги, мижозларнинг навбат кутиб қолишлари ҳамда тизимдаги техник носозликлар ҳамда банк ходимининг кўп вақтини сарфлашни кўзда тутувчи ортиқча ишлар эканлиги маълум бўлди.

Банқда фаолият юритадиган ходимларнинг фикрича, валюта айирбошлаш жараёнида банк мижозларининг деярли З дан бири,

яъни 29,3 фоизида ўзлари билан паспорт бўлмайди, мижозларнинг 28,3 фоизи валюта айирбошлаш жараёнида мижозларнинг навбат кутиб қолишларига тўғри келишади ва бунинг асосий сабаблари сифатида *тизимдаги техник носозликлар* (21,6 фоиз) ҳамда кераксиз ортиқча ишлар (паспорт нусхаси чоп этиш, ортиқча қофозларни тўлдириш, маълумотлар тўғри ёки нотўғрилигини текшириш) (16,1 фоиз) каби ҳолатларни қайд этишди (1-жадвал).

1-жадвал


Валюта айирбошлаш билан боғлиқ муаммолар (фоиз ҳисобида) [5]

Фикрлар	фоизи
Мижозларда паспорт бўлмаслиги	29,3
Мижозларнинг навбат кутиб қолиши	28,3
Тизимдаги техник муаммолар	21,6
Кераксиз ортиқча ишлар (паспорт нусхаси чоп этиш, ортиқча қофозларни тўлдириш, маълумотлар тўғри ёки нотўғрилигини текшириш)	16,1
Сотиладиган валютани тугаб қолиши	3,6
Бошқа муаммолар	0,8
Жами	100,0

Банк мижозларидан паспорт ва ID картаси билан боғлиқ муаммо сабаблари сўралганда, кишиларнинг ўз паспортларини ҳар доим ўзлари билан олиб юрмасликлари ва уни одатда уйда унутиб қолдиришлари жавоблари мутлақ кўпроқ улуш, яъни 62,0 фоизга (иккита жавоб вариантлари қўшилганда) эга бўлди. Булардан ташқари, 22,3 фоиз респондентлар 100 доллардан ортиқ хориж валютасини харид қилиш учун паспорт ёки ID карта-

си тақдим этиш талаби борлигидан хабари йўқ. Қолган жавоблар ҳам айнан шахсий паспорт билан айrim муаммолар борлигини намоён этди. Мана шу муаммоларнинг бўлиши ўз навбатида валюта харид қилишда, валюта операцияларини амалга оширишда шахснинг идентификация қилиш масаласида янгича ёндашувга эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда (11-расм).

Агар муаммога дуч келсангиз, қандай муаммо?



■ Бошқа жавоб

- Паспортини алмаштиришга берганлигим (ёки йўқотиб кўйганлигим) билан боғлиқ
- Кутилмаганда валюта айирбошлаш зарурати бўлганда паспортим ёнимда бўлмаган
- Паспорт талаби борлигини билмаганман
- Паспортини унутиб қолдирганман

11-расм. Банк мижозларининг валюта айирбошлаш пайтида паспорт билан боғлиқ муаммолар тўғрисидаги фикрлари (фоиз ҳисобида) [5]

Респондентларнинг валюта айирбошлаш пайтида ёnlарида паспорт бўлмагандан кейинги хатти-ҳаракатлари таҳлил қилинганда, уларнинг 38,1 фоизи қайта овора бўлиб, ўз паспортларини олиб келишларига, 19,2 фоизи валютани бошқа шахс номига расмийлашти-

ришга, 16,9 фоизи эса валютани қора бозордан алмаштиришга мажбур бўлганликлари аниqlанди. 18,8 фоиз банк мижозлари, ўз навбатида, валюта айирбошламасдан банклардан кетишларига тўғри келган (11-расм).

Валюта айирбошлаш пайтида паспорт тақдим эта олмаганиздан кейин нима қилгансиз?



12-расм. Банк мижозларининг валюта айирбошлаш пайтида ёnlарида паспорт бўлмаганидан кейинги хатти-ҳаракатлари (фоиз ҳисобида) [5]

Паспорт билан боғлиқ муаммолардан ташқари, фуқаролар томонидан банкларда

валюта айирбошлашда навбатлар пайдо бўлиши ҳам муаммо сифатида қайд этилди.

2-жадвал

Банкалрда валюта айирбошлаш билан боғлиқ навбатлар юзага келиш сабаблари (фоиз ҳисобида) [5]

Валюта айирбошлаш жараёнида нима учун навбат юзага келади?	Фоизи
Мижозлар кўплиги учун	44,2
Паспорт маълумотларини киритиш билан боғлиқ техник жараён сабабли	24,8
Техник носозликлар ва узилишлар сабабли	14,3
Мижозларда муомала маданиятининг пастлиги	11,6
Банк ходими ва мижознинг бир-бирини тушунмаслиги	3,7
Бошқа сабаб	1,1
Жами	100,0

Банк ходимларидан валюта айирбошлаш жараёнида навбатларнинг пайдо бўлиш сабаби сўралганда, улар томонидан валюта айирбошлаш учун кўп мижозларнинг мурожаат қилиши (44,2 %), паспорт маълумотларини киритиш билан боғлиқ жараён кўпроқ вақт олиши (24,8 %), техник носозликлар ва узилишлар (14,3 %) ҳамда мижозларда муомала маданиятининг пастлиги (11,6 %) сингари жавоблар кўпроқ улушга эга бўлди (2-жадвал).

Таҳлилларга кўра, кўпчилик банк мижозлари валюта айирбошлаш жараёнида паспортнинг талаб этилишига муносабатлари салбий бўлиб, бунда улар паспорт талаб этилмаслигини маъқул кўришади.

Айнан шу фикрни 73,5 фоиз банк ходимлари билдиришган бўлса, 15,1 фоизи эса бу борада жавоб беришга қийналишиди. 11,4 фоиз банқда фаолият юритадиган ходимларнинг фикрича, валюта айирбошлашда фуқаролар паспорт талаб этилишини маъқуллашади.



13-расм. Респондентларнинг валюта айирбошлашда паспорт ёки ID картаси билан боғлиқ муаммолар (фоиз ҳисобида) [5]

Дунё амалиётида бармоқни сканерлаш орқали шахсни аниқлаш амалиёти кўп соҳаларда, хусусан, хавфсизликни таъминлаш, божхона, ички ишлар, тиббиёт ва бошқа соҳаларда қўлланилмоқда. Мамлакатимизда ҳам

мазкур амалиётни маълум соҳаларга қўллаш ҳаракатлари ҳам кўзга ташланмоқда.

Тадқиқотда иштирок этган банк ходимларининг аксарияти бармоқни сканерлаш орқали шахсни идентификация қилиш амалиёти бўйича етарли тасаввурга эга.

3-жадвал

Банк ходимларининг мижозларнинг паспорт талаб қилинишига муносабати тўғрисидаги фикрлари (фоиз ҳисобида) [5]

Сизнингча, валюта айирбошлаш жараёнида паспортнинг талаб этилишига мижозларнинг муносабати қандай?	фоизи
Паспорт талаб қилинишини маъқуллашади	11,4
Паспорт талаб этилмаслигини маъқул кўришади.	73,5
Жавоб беришим қийин	15,1

Сўровда қатнашган банк ходимларининг бу амалиёт тўғрисидаги хабардорлик даржаси сўралганда, уларнинг бу масала бўйича маълумотлик даражаси 78,3 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга, уларнинг 27,7 фоизи бу тизим тўғрисида тўлиқ маълумотга эга эканлигини билдиришган бўлса, 51,6 фоиз банк ходимлари эса бу амалиёт тўғрисида тўлиқ бўлмасада, маълумотга эга эканликлар-

ни изҳор этишди. Банк ходимларининг ҳар бештасидан бири (20,7 фоизи) эса мавжуд амалиёт тўғрисида маълумотга эга эмаслиги ҳам тадқиқот якунида аниқланди.

Валюта айирбошлаш жараёнида паспорт тақдим этиш ўрнига бармоқ изини сканерлаш амалиётини жорий этишни аксарият фуқаролар қўллаб-қувватлаши маълум бўлди.


4-жадвал

Банк ходимлари ва мижозларининг бармоқ изини сканерлаш амалиётини жорий этишга муносабати (фоиз ҳисобида) [5]

Бармоқ изини сканерлаш амалиётини жорий этишга муносабатингиз?	Банк мижозлари	
	%	%
Тўлиқ қўллаб-қувватлайман	60,3	55,2
Қўллаб-қувватлайман	16,5	27,1
Унчалик қўллаб-қувватламайман	9,2	5,5
Умуман қўллаб-қувватлайман	6,8	2,3
Менга фарқи йўқ	4,1	6,8
Жавоб беришим қийин	3,1	3,2

Таҳлиллар банк мижозларининг 76,8 фоизи, банк ходимларининг 82,3 фоизи янги амалиётни жорий этиш тарафдори эканлигини кўрсатди. Бу тизимга қарши бўлганлар эса

ўз навбатида, банк мижозларида 16,0 фоизни ва банк ходимларида эса 7,8 фоизни ташкил этди (4-жадвал ва 14-расм).



14-расм. Банк ходимлари ва мижозларининг бармоқ изини сканерлаш амалиётини жорий этишга бўлган муносабати (фоиз ҳисобида) [5]

Олиб борилган социологик сўров натижаларига кўра банк ходимлари ва мижозлари томонидан валютани айрибошлиш жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш орқали банклардаги ортиқча қофозбозлимкни ёқотиш, навбат кутишларни камайтириш, хизмат сифатини оширишга талаб юқорилиги ва вақтни тежашга талаб юқорилигини кўриш мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Олиб борилган таҳлил натижаларига кўра Ўзбекистонда валюта айрибошлиш жараёнида ахоли томонидан қуйидаги муаммолар кўрсатилган:

- тадқиқот натижаларига кўра, фуқароларнинг ярми валюта айрибошлишда паспорт ва ID картасидан фойдаланиш билан боғлиқ муаммога дуч келишмоқда;

- банкларда валюта айрибошлиш билан боғлиқ муаммолар сифатида мижозларнинг ёнларида паспорт бўлмаслиги, мижозларнинг навбат кутиб қолишлари, тизимдаги техник носозликлар ҳамда банк ходимининг кўп вақтини сарфлашни кўзда тутувчи ортиқча ишларни кўрсатиш мумкин;

- паспорт билан боғлиқ муаммолардан ташқари, фуқаролар томонидан банкларда валюта айрибошлишда навбатлар пайдо бўлиши ҳам муаммо сифатида қайд этилди;

- кўпчилик банк мижозлари валюта айрибошлиш жараёнида паспортнинг талаб этилишига муносабатлари салбий бўлиб, бунда улар паспорт талаб этилмаслигини маъкул кўришади;

- бундай муаммоларни хал этишда қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди;

- тадқиқотда иштирок этган банк ходимларининг аксарияти бармоқни сканерлаш орқали шахсни идентификация қилиш амалиёти бўйича етарли тасаввурга эга бўлиб, банк тизимида ушбу амалиётни жорий этилиши банк мижозлари ва ходимлари учун вақтнинг тежалиши, ортиқча қофозбозликнинг олдини олиниши, мижозлар томонидан банк ходимларига билдириладиган эътиrozлар камайиши ва банк хизматларидан унумли фойдаланиш имконини беради;

- валюта айрибошлиш жараёнида паспорт тақдим этиш ўрнига бармоқ изини сканерлаш амалиётини жорий этишини аксарият фуқаролар қўллаб-куватлаб, улар томонидан ушбу амалиётни жорий этилиши валюта айрибошлишда ҳужжатларни талаб этилмаслиги, исталган вақтда керакли валютани олиш имкониятига эга бўлади;

- жисмоний шахсларнинг валюта айрибошлиш жараёнини назоратга олиш ва ҳар бир мижозни идентификациялаш имконияти яратилади, бу яширин қитисодиётни олдини олишга олиб келади;

- ахоли орасида хорижий валютани сотиш ва сотиб олиш ҳолати статистикаси таҳлил қилинади ва валютага бўлган талабини баҳолашга эришилади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Swan T.W. Economic growth and capital accumulation. *Economic Record* (Wiley) 32 (2), 1956. pp. 334–361; Peter L. Swan. Trevor Winchester Swan AOANU Inaugural Trevor Swan Distinguished Lecture. 23rd of May 2006;
2. One world, one money. Robert Mundell and Milton Friedman debate the virtues—or not—of fixed exchange rates, gold, and a world currency. *Policy options*, May 2001 (<http://policyoptions.irpp.org/magazines/one-world-one-money/mundell-and-friedman-four-key-disagreements/>)
3. Наговицин В. Н. Валютная политика. – М.: «Экзамен», 2000. -176 с.
4. Бобоқулов Т.И. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш: муаммолар ва ечимлар. – Т.: Fan va texnologiya, 2007. 184-б.
5. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.
6. Калонов М.Б. Анализ современных методов управления затратами //Ответственные за выпуск: доктор экономических наук, профессор, зав. кафедрой бухгалтерского учета и аудита Уральского государственного экономического университета. – 2017. – С. 65.
7. Курбанов З.Н., Исаев Ф.И. Налоговый анализ как новое направление экономического анализа //актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учета, статистики и налогообложения организации. – 2017. – С. 246-254.
8. Исаев Ф. (2021). Совершенствование методики расчета налоговой нагрузки. Экономика и образование, (6), 86–91. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/286>



**МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ БАНКОВСКОГО
КРЕДИТОВАНИЯ И КЛАССИФИКАЦИИ ФАКТОРОВ,
ВЛИЯЮЩИХ НА ОСОБЕННОСТИ ПОЛУЧЕНИЯ КРЕДИТОВ**

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a10

**Каримова Азиза Махомадризоевна -
и.о.доц., PhD Самаркандинский институт
экономики и сервиса, Узбекистан**

Аннотация. В статье рассматривается методологическая основа банковского кредитования, сущность банковского кредитования, а также систематизация подходов к классификации факторов процесса кредитования предприятий, относимых к категории субъектов предпринимательства. Классифицируются факторы, влияющие на процесс кредитования.

Ключевые слова: банковское кредитование, потребитель, турпродукт, экономика, туризм, частный бизнес, туристская деятельность, малые предприятия.

**METHODOLOGICAL FOUNDATIONS OF BANK LENDING AND CLASSIFICATION OF
FACTORS AFFECTING THE FEATURES OF OBTAINING LOANS**

**Karimova Aziza Mahomadrizoevna -
Acting Associate Professor, PhD Samarkand Institute of
Economics and Service, Uzbekistan**

Abstract. The article discusses the methodological foundations of bank lending, the essence of bank lending, as well as the systematization of approaches to classifying factors in the process of crediting enterprises, classified as business entities. The factors influencing the lending process are classified.

Keywords: bank lending, consumer, tourism products, economy, tourism, private business, tourism activity, small enterprises.

**BANK KREDITINING METODOLOGIK ASOSLARI VA KREDIT OLISHNING O'ZIGA XOS
XUSUSIYATLARIGA TA'SIR QILUVCHI OMILLARNING TASNIFFLASHISHI**

**Каримова Азиза Махомадризоевна -
доцент в.б., PhD Самарқанд Иқтисодиёт ва
сервис институти, Ўзбекистон**

Annotasiya. Ushbu maqolada bank kreditlashning uslubiy asoslari, bank kreditlarining mohiyati, shuningdek, tadbirkorlik sub'ektlarining toifasiga kiradigan korxonalarni kreditlash jarayonining omillarini tasniflashning yondashuvilarini tizimlashtirish masalalari ko'rib chiqilgan hamda kreditlash jarayoniga ta'sir qiluvchi omillar tasniflangan.

Kalit so'zlar: banklarni kreditlash, iste'mol, turizm mahsulotlari, iqtisodiyot, turizm, xususiy biznes, turizm faoliyati, kichik korxonalar.